

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019. Fil/Ped. 27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХИМОВА ГУЛСАНАМ АШИРБЕКОВНА

БАДИИЙ ТАРЖИМАДА БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР РУҲИЯТИНИНГ
ҚАЙТА ЯРАТИЛИШИ

(Французча-ўзбекча ва ўзбекча-французча таржималар мисолида)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

УЎК: 811.133.1'255.2
811.512.133'255.2

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рахимова Гулсанам Аширбековна

Бадий таржимада болалар ва ўсмирлар руҳиятини қайта яратилиши
(французча-ўзбекча ва ўзбекча-французча таржималар мисолида)..... 3

Рахимова Гулсанам Аширбековна

Воссоздание духовного мира детей и подростков в художественном
переводе (по материалам французско-узбекского и узбекско-
французского переводов)..... 29

Gulsanam Ashirbekovna Rakhimova

Recreation of Children's and Teenager's Spiritual World in Literary
Translation (Based on Translations from French to Uzbek and Vice Versa).. 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019. Fil/Ped. 27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХИМОВА ГУЛСАНАМ АШИРБЕКОВНА

БАДИИЙ ТАРЖИМАДА БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР РУҲИЯТИНИНГ
ҚАЙТА ЯРАТИЛИШИ
(Французча-ўзбекча ва ўзбекча-французча таржималар мисолида)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Ғ1313 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.uzswlu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Эрмитов Баҳодир Солиқович филология фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Носиров Абдурахим Абдимуталипович филология фанлари доктори (DSc) Ирискулов Муҳаммадавлат Турсунович филология фанлари номоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги DSc.03/30_12.2019.Ғ1/Ғед.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «2» сентябр кунин соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 21-А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92, e-mail: uzswlu_info@mail.ru)

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (3 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 21-А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92.)

Диссертация автореферати 2021 йил «18 феврал» кунин тарқатилди.
(2021 йил «18» феврал даги 3 рақамли реестр баёниномаси.)



Г.Х. Бақиева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
филология фанлари доктори, профессор

Х.Б. Саъидова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, филология фанлари доктори, доцент

Ж.А. Якубов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон халқлари адабиёти вакиллари хусусан, француз ва ўзбек адиблари ижодини қиёсий нуқтаи назардан талқин қилиш, ҳар икки халқ болалар адабиёти намуналарини бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишда қаҳрамонлар руҳиятини адекват қайта яратиш имконини беради. Жаҳон халқлари ўзаро доимий алоқададир, маданиятлар ва адабиётларимиз ҳам туташ. Шу маънода, француз ва ўзбек адабиётининг миллий-тарихий ўзига хосликлари энг гуллаган ва бугун ҳам ўз жозибасини йўқотмаган XX асрнинг иккинчи ярми, XXI асрнинг дастлабки икки ўн йиллигидаги болалар адабиётининг бир тилдан иккинчи тилга таржималарини кузатиш имкони яратилди.

Дунё таржимашунослиги аслиятга имкон қадар мувофиқ таржималар яратиш лозимлиги ҳақидаги нуқтаи назарни қўллаб-қувватлайди. Бутун дунё таржима амалиётидаги илғор тажрибаларга асосланиб, бу борада бир тўхтамга келиш давр тақозоси. Хусусан, француз-ўзбек таржимашунослиги соҳасида бадиий адабиётларни ўрганишда восита таржиманинг ҳам қўшиб ўрганилиши, уларнинг тарихий поэтикаси ва бадиий йўналишларини тизимли тадқиқ қилиш заруратини кўрсатади. Турли халқлар ва миллатларга мансуб адибларнинг таржима асарларини тадқиқ қилиш, уларда болалар ва ўсмирлар руҳиятини сақлаш ва қайта яратиш муаммосини ўрганиш ва шу орқали уларнинг бадиий маҳоратини очиб бериш ҳамда, зарур бўлса, миллий ёзувчилар ижодига татбиқ этиш тажрибаси давом этмоқда.

Мамлакатимизда ўзбек адабиётининг жаҳон халқлари адабиёти билан алоқаларини кенгайтириш, миллий адабиёт дурдоналарини ер юзининг тараққий этган тилларига таржимасида ўз аксини топмоқда. «Биз мана шу ўта муҳим йўналишдаги ишларимизни бундан кейин ҳам қатъият ва изчиллик билан давом эттираемиз. Чунки, адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало, халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор эканини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ»¹. Зотан, болалар ва ўсмирлар тарбияси, миллий менталитети ва онгини шаклланишга ижобий таъсир қиладиган даражада адабиёт дурдоналарини адаптация йўли билан таржима қилиш, бадиий адабиётни илмий нуқтаи назардан баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар Академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи, –Тошкент, 2017 йил 4 август.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё болалари ва ўсмирларнинг руҳияти, дунёқараши, ҳаёти масалалари хорижий тилшунос, адабиётшунос ва таржимашунос олимларни ҳам ташвишлантиради, ҳам улар тадқиқотларининг бош мавзусидир.

Болалар ва ўсмирлар руҳияти, унинг бадиий адабиётда тасвирланиши, Ж.-М.Г.Леклезининг шу мавзудаги асарлари ва уларнинг турли тилларга таржимаси масалалари А.Вией, М.-А.Мейнар, Ш.Посланиек, Я.-А.Кервоас, К.Абади-Клерк, М.Бенжеллум, К.Родригес, К.Скилбрэд, П.Л.Аррис ва Д.Эскарпи каби қатор олимларнинг тадқиқотларида ёритилган.²

Болаларнинг шахс сифатида тўлақонли шаклланишида ташқи таъсирдан ташқари уларнинг ҳиссиётлари, қобилиятлари, эҳтиёжлари, кўникмалари муҳим омиллардан эканлигининг бадиий адабиётда акс эттирилиши Л.Скуратовская, Е.Дианова, М.Иванкина, Ю.Карасева, В.Чарская-Бойко ва Ф.Шагмановаларнинг тадқиқотларида ўрганилган.³

Болалар ва ўсмирлар руҳиятининг бадиий адабиётда ёритилишининг назарий ва амалий томонлари ҳамда болалар адабиёти таржимасининг айрим муаммолари Ғ.Саломов, М.Холбеков, А.Қосимов, Р.Баракаев, Ҳ.Ҳамраев, К.Турдиева, У.Мусаева, П.Кенжаева, Р.Ширинова, С.Бобоева ва Р.Тулабаева каби олимларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.⁴

²Vieil A. L'Espace dans l'oeuvre de J.-M.G. Le Clézio. La dialectique du réel et de l'imaginaire. Thèse de doctorat, Université Paris 4, 1985; Maynard M.-A. Le Rapport de l'homme au monde dans l'oeuvre de Le Clézio. Thèse de doctorat, Université de Lyon 2, 1988; Poslaniec Ch. L'évolution de la littérature de jeunesse, de 1850 à nos jours au travers de l'instance narrative, thèse de doctorat, Université Paris-Nord, Lille : ANRT, 1997; Abadie-Clerc Ch. Mythes, traduction et création: la littérature de jeunesse en Europe. - Paris: Bibliothèque publique d'information / Centre Georges Pompidou, 1998; Benjelloum M. La Métaphore dans l'œuvre romanesque de J.-M.G. Le Clézio. Étude stylistique. Thèse de doctorat d'État, Université El Jadida, Faculté des Lettres et Sciences Humaines, 1999; Rodríguez C. Análisis narrativo de la obra de J.M.G. Le Clézio: Onitsha y Etoile errante. Tesis doctoral, Departamento de Filología francesa, Universidad de Granada, 1999; Rodríguez C. Análisis narrativo de la obra de J.M.G. Le Clézio : Onitsha y Etoile errante. Tesis doctoral, Departamento de Filología francesa, Universidad de Granada, 1999; Skilbred C. Le transfer de la culture dans la traduction de Poisson d'or de Le Clézio. Thèse de doctorat. – Hosten, 2005; Harris P.L. L'imagination chez l'enfant : son rôle crucial dans le développement cognitif et affectif. Thèse de doctorat, Paris: Retz, 2007; Kervoas Y.-E. Le roman pour adolescents en langue bretonne : thématique, traduction et stylistique. Thèse de doctorat. Discipline : Breton-Celtique, Université de Rennes 2-UEB, 2008; Escarpit D. Histoire du conte Le chat botté en France et en Angleterre. thèse de doctorat, Université Paris-Nord, Lille, 2013.

³Скуратовская Л. Основные жанры детской литературы в историко-литературном процессе Англии XIX-начала XX века. Автореф. дис... док. филол. наук. – Днепропетровск, 1991; Дианова Е. Образ детства в английской и русской прозе середины XIX века. Автореф. дис... канд. филол. наук. – Москва, 1996; Шагманова Ф. Формирование мировоззрения ребёнка в процессе социализации: Социально философский анализ. Автореф. дисс. ... канд. философ. наук. – Уфа, 2001; Иванкина М. Проблема детства и искусства в творчестве Д.М.Барри рубежа веков: 1890-1920. Автореф. дис... канд. филол. наук. - Москва, 2009; Чарская-Бойко Ю. Категория нонсенса и фольклорные традиции в английской детской литературе второй половины XIX века: на примере произведений Э. Лира и Л. Кэрролла. Автореф. дис... канд. филол. наук. – Москва, 2011; Карасева Ю. Художественный текст как источник национально-культурной информации и выразитель национальной ментальности. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Москва, 2012.

⁴Саломов Ғ. Литературные традиции и проблемы художественного перевода (сопоставительный, стилистический и типологический аспекты). Дисс. ... док. филол. наук. – Т., 1982; Холбеков М. Переводы произведений французской художественной литературы на узбекский язык. Автореф. дисс. ... канд. филол.

Бироқ бизнинг тадқиқотда кўтарилган болалар ва ўсмирлар руҳиятининг таржима асарларда қайта яратилиши масаласи шу пайтгача махсус илмий тадқиқотнинг объекти бўлган эмас. Бундан ташқари тадқиқотимиз учун танланган асарларнинг аслиятлари ҳамда уларнинг французча, русча ва ўзбекча таржималари ҳам ўзбек таржимашунослигида у ёки бу муаммони ўрганиш нуқтаи назаридан таҳлил қилинмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабалар ўртасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлар» илмий лойиҳасининг «Таржима назарияси ва амалиётининг долзарб муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек ва француз адабиётида болаликнинг бадиий дунёси қандай талқин этилиши ҳамда француз адабиётидан ўзбек тилига, ўзбек адабиётидан француз тилига таржима қилинган асарларда болалар ва ўсмирлар руҳиятининг қайта яратилишини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болалар дунёқараши ва болалар адабиёти пайдо бўлиши тарихини ўрганиш;

француз ва ўзбек адиблари томонидан воқеликнинг болаларча тасвирланишини ҳамда ўзбек адабиётининг француз тилига ва француз адабиётининг ўзбек тилига қилинган таржималари мисолида таржимон маҳоратини таҳлил қилиш;

француз адиблари асарлари ва ўзбек болалар адабиёти ўртасидаги ўзига хослик ва муштаракликларни бугунги кун ва тарихий нуқтаи назардан аниқлаш;

французча-русча-ўзбекча, французча-ўзбекча ва ўзбекча-русча-французча таржималарда болалар ва ўсмирлар руҳияти эндемиясини сақлаш хусусиятларини тадқиқ қилиш;

французча-русча-ўзбекча, французча-ўзбекча ва ўзбекча-русча-французча таржималарда болалар ва ўсмирлар руҳиятини сақлаш ва қайта яратишнинг мавжуд тажрибаларини умумлаштириб, бу соҳада амал қилиш лозим бўлган муайян адабий меъёрларни такомиллаштириш.

наук. –Т., 1982; его же: Французско-узбекские литературные связи. Автореф.дисс. ... док.филол.наук. – Т., 1991; Хамраев Х. Воссоздание национального колорита произведений узбекской советской прозы во французских переводах (на материале произведений Айбека и А.Каххара). Автореф. дисс...канд.филол.наук. –Т., 1988; Баракаев Р. XX аср бошларидаги ўзбек болалар адабиёти ва Абдулла Авлоний ижоди. Филол.ф.ном.дисс. авторефер. – Тошкент, 1994; Қосимов А. Адабиётда болалик маънавий-ахлоқий категория сифатида (А.де Сент-Экзюперининг “Кичкина шахзода» ва Ч.Айтматовнинг “Оқ кема» асарлари асосида. Филол.ф.ном.дисс.авторефер. – Тошкент, 1999; Мусаева У.Х.Тўхтабоев романларининг сюжет-конфликт хусусиятлари: Филол.ф.ном.дисс. – Тошкент, 1997; Турдиева К. Ҳозирги замон болалар шеърлярида маънавий масаласи: Филол.ф.ном.дисс.авторефер. – Тошкент, 2004; Кенжаева П. Ҳозирги ўзбек хикояларида қаҳрамон руҳиятини тасвирлаш. Филол.ф.ном. дисс.авторефер. – Тошкент, 2008; Бобоева С. АҚШ ва ўзбек адабиётида болаликнинг бадиий талқини (М.Твен ва Ғ.Ғулум ижоди мисолида). Филол.ф.ном.дисс.авторефер. – Тошкент, 2011; Ширинова Р. Олам миллий манзарасининг бадиий таржимада қайта яратилиши. Филол.ф.док. (DSc). дисс.авторефер. – Т., 2017; Тулабаева Р. Худойберди Тўхтабоев романларида бадиий психологизм. Филол.ф.бўйича фалсафа доктори (PhD). дисс.авторефер. – Тошкент, 2019.

Тадқиқотнинг объектини француз тилидан ўзбек тилига таржима қилинган – Ш.Перронинг эртаклари, Г.Малонинг «Саёқ труппа», А.де Сент Экзюперининг «Кичкина шаҳзода» повестлари, Ж.-М.Леклезонинг «Мондо» ҳикоялар тўплами ҳамда ўзбек тилидан француз тилига таржима қилинган Х.Тўхтабоевнинг «Сехрли қалпоқча» повести, Ҳ.Назир ва П.Мўминнинг шеър ва ҳикоялари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини француз тилидан ўзбек тилига, ўзбек тилидан француз тилига таржима қилинган бадиий асарларда болалар ва ўсмирлар руҳиятини қайта яратиш феноменининг лингвокультурологик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотни амалга оширишда қиёсий-типологик, тарихий-услубий, матн-компонент ва аналитик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бадиий асарлар таржимасида болалар ва ўсмирлар руҳиятини қайта яратиш концепцияси уларнинг ёш хусусиятларини Ғарб ва Шарқ контекстида тарбиявий-маънавий ва педагогик-психологик омилларга кўра категориялаштириш орқали асосланган;

ўзбек ва француз болалар эртақларининг бевосита ва билвосита таржимасида соддалаштириш, қисқартириш ва миллийлаштириш ёхуд вақт ва замон контекстига мослаштириб таржима қилишда адаптация усулининг устуворлиги далилланган;

француз ва ўзбек адибларининг воқеликни бадиий акс эттириш маҳоратининг болалар ва ўсмирлар тарбияси, миллий менталитети ва онги шаклланишига ижобий таъсири бадиий образ ва образлилик, дунёқараш ва бадиий ижод, бадиий асарни қабул қилиш каби умумэстетик муаммолар асосида исботланган;

бевосита ва билвосита таржималарда маълум бир тор этник гуруҳга хос олам, урф-одатлар, қадриятларни сақлаш ва қайта яратиш – болалар ва ўсмирлар руҳияти эндемияси феномени муаллиф-қаҳрамон-таржимон триадаси асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

француз адибларининг болалар ҳамда ўсмирлар учун ёзилган асарлари ва ўзбек болалар адабиёти ўртасидаги муштаракликлар ва миллий ўзига хосликлар аниқланган;

бадиий таржиманинг мустақиллик йилларида француз-ўзбек адабий алоқаларини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ўрганилган, адабий таъсир масалалари таҳлил қилинган, француз-ўзбек адабий алоқаларининг кечаги ва бугунги ҳолатига баҳо берилган;

таржиманинг адекватлигини таъминлашда таржимон маҳоратининг роли ўрганилган, айнан бир асарни таржима қилишда тажрибали мутаржим ва ёш таржимонлар қўллаган усуллар муқояса қилинган;

французча-русча-ўзбекча, французча-ўзбекча ва ўзбекча-французча таржималарда болалар ва ўсмирлар руҳиятини сақлаш ва қайта яратишнинг

мавжуд таржибаларини умумлаштириб, бу соҳада амал қилиш лозим бўлган муайян меъёрлар белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияни тайёрлаш жараёнида қўлланилган методлар, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан, келтирилган мисолларнинг аниқ бадиий асарлардан олинганлиги, қўлга киритилган натижаларнинг самарадорлиги ишонарли исботланганлиги, хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, унда қўлга киритилган хулосалардан республика олий таълим муассасаларининг филология йўналишлари бакалаврият ва магистратура босқичида таржима назарияси ва амалиёти курсини ўқитишда ва семинар машғулотларини ўтказишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республикада бўлажак таржимонларни тайёрлаш учун ишлаб чиқилган амалий тавсиялардан республикада олий ўқув юртининг филология ва чет тиллар факультетларида, республика Ёзувчилар уюшмаси томонидан анъанавий равишда ўтказиб келинаётган ёш таржимонлар семинар-кенгашларида ҳамда болалар ва ўсмирлар адабиёти намуналарини француз тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан француз тилига амалда таржима қилишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бадиий таржимада болалар ва ўсмирлар руҳиятининг қайта яратилиши (французча-ўзбекча ва ўзбекча-французча таржималар мисолида) га оид илмий натижалар асосида:

чет эл ва ўзбек болалар адабиёти таржима вариантлари ва аслият ўртасидаги фарқ ва ўхшашлик уларнинг таржима жараёнидаги мазмунига таъсири миллий руҳнинг адекват берилиши ва улар орқали болалар руҳиятини очиқ бериш таржиманинг компетент ёндашув усулига оид материалларидан ЁА-1-06 рақамли «Профессинал таржимонларни тайёрлашда сифат назоратини ташкиллаштиришга компетент ёндашув» мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 13 апрелдаги 87-03-1428-сон маълумотномаси). Натижада сўзларнинг луғавий маъноси билан таржимадаги маъноси ва уларнинг болалар дунёқарашида қайта акс этишини таҳлил қилиш орқали аниқ баҳолашга хизмат қилган;

болалар адабиётининг ўзбекча таржимаси ва аслият ўртасидаги фарқ ва ўхшашликларни ўрганиш, аслият ва таржима мутаносиблигини таъминлаш асосида таржимага оид тайёрланган дидактик материаллар ва ишланмалар асосида 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси)нинг талабалари учун тавсия этилган «Les contes de Perrault» (рўйхатга олиш рақами 603-263) номли ўқув қўлланмаси жорий қилинган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 03 апрелдаги 89-03-1236 рақамли маълумотномаси), ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Бадиий таржима ва халқаро алоқалар бўлимида Ш.Перронинг «Қизил қалпоқча» – «Le Petit Chaperon rouge» эртаги А.Акбар ва Ш.Миноваровлар томонидан қилинган

таржималари «Халқаро адабий алоқалар» мавзуси бўйича назарий ишланмалар тайёрлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2019 йил 18 декабрдаги 01-03-07/1497-сон маълумотномаси). Натижада илмий натижаларнинг татбиқи аслият ва таржима мутаносиблигини таъминлашга имкон берган;

болалар ва ўсмирлар руҳияти эндемияси – маълум бир тор доира, этник гуруҳагина хос бўлган олам, урф-одат ва қадриятларни таржима қилиш қийинчиликлари ва таржимани таржимашуносликнинг сўнгги ютуқлари – адаптация йўли билан амалга ошириш усули, сабаблари ва омиллари материалларидан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси илмий тадқиқотлари назарий ва амалий асосларини бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 20 декабрдаги 05-22/9207-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистонда фаолият юритаётган гидлар, таълим соҳасидаги таржимашунослар учун дидактик материаллар, амалий ва назарий ишланмалар ишлаб чиқишда қўлланилган;

француз ва ўзбек адиблари томонидан воқеликнинг болаларча тасвирланиши, дунёнинг болаларча бадиий тасвирида муаллиф ва қаҳрамон муносабатлари юқори ўринда туришига оид чоғиштирма таҳлил материалларидан 2017 йил Франциянинг Сержи-Понтуаз университетида «Сарҳадлар ва ҳаракатлар: Европа болалар адабиёти ХХІ асрда» мавзусидаги икки йиллик симпозиум учун назарий ва амалий материаллар ишлаб чиқишда фойдаланилган (Сержи-Понтуаз университети «Болалар адабиёти бўйича магистратура» бўлимининг 2017 йил 9 июндаги маълумотномаси), шунингдек, бадиий таржимада болалар ва ўсмирлар руҳиятининг қайта яратилишига оид натижаларидан Франциянинг Версаль академияси Сержи-Понтуаз университети ММТ – Муассаса, Мутация, Таълим (ЕМА – Ecole, Mutations, Apprentissages) илмий лабораторияси илмий тадқиқот назарий асосларини яратишда фойдаланилган (Версаль академияси Сержи-Понтуаз университети ММТ – ЕА 4507 илмий лабораториясининг 2019 йил 9 декабрдаги маълумотномаси). Натижада француз ва ўзбек адиблари томонидан воқеликнинг болаларча тасвирланишига оид илмий-назарий хулосалар ишлаб чиқишга хизмат қилган;

диссертациянинг таржимада болалар ва ўсмирлар руҳиятини сақлаш ва қайта яратиш концепциясига оид материалларидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телеканалининг «Тилга эътибор», «Ассалом, Ўзбекистон!» кўрсатувларини тайёрлаб эфирга узатилишида фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телеканали Давлат унитар корхонасининг 2019 йил 12 декабрдаги 02-15-2638-сон маълумотномаси). Натижада тил ва таржима бўйича тайёрланган кўрсатувларнинг бадиий-оммавий самарадорлиги ошишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари Франция Версаль академияси Сержи-Понтуаз университети ЕМА – Ecole, Mutations Apprentissages ЕА 4507 илмий лабораториясида 2019 йил 10 сентябрдан 10 декабргача «La récréation de l'esprit enfantin et adolescent dans la traduction

littéraire (à base de traductions du français vers l'ouzbek et à l'inverse)» мавзусида докторлик стажировкасини ўтиш чоғида ҳамда 1 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 25 та илмий иш, шулардан 1 та монография, 1 та дарслик, 1 та ўқув қўлланма ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 7 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 4 таси хорижий импакт факторли ҳамда Scopus базасида рўйхатдан ўтган илмий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, умумий хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 152 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзуининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ўрганилганлик даражаси ёритилган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болалар адабиёти ва унинг таржимаси назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида болалар психологияси ва болалар адабиёти ҳамда Ўзбекистонда болалар ва ўсмирлар адабиёти таржималари тарихи ёритилган.

Бугун шахс ўсиши, улғайиши ва ҳар тарафлама ривожланиши нафақат тарбия, педагогика ва психология, этнография, балки, адабиёт ва санъат, маданият билан ҳам боғлиқ. Инсон улғайишининг ҳар бир ёш босқичи ўзининг ривожланиш омилларига, қонуниятларига, янгиликлари ва ўзгаришларига эга бўлиб, улар шахснинг характери, темпераменти, иқтидори, билиш жараёнларига бевосита таъсир ўтказди.⁵ Ёш босқичлари психологиясининг энг асосий муаммоларидан бири ҳам инсон, хусусан, болалар ва ўсмирлар руҳияти шаклланиши ва ўсишида уларга қандай омиллар кўпроқ таъсир ўтказиши билан боғлиқ. Немис руҳшуноси Л.Лангле, француз олимлари Р.Декарт ва Т.Рибо, швейцариялик психолог Ж.Пиаже, рус олимлари К.Ушинский, В.Бехтерев, грузин психологи Д.Узнадзе ва ўзбек руҳшунос олимлари, профессорлар Э.Ғозиев ва В.Каримоваларнинг кўплаб асарлари педагогик психология, жисмоний таълим, оилавий тарбия, болалар ва ўсмирлар ўртасидаги индивидуал ва типологик фарқларга бағишланган. Болалар ва ўсмирлар руҳияти том маънода уларнинг моддий ва маънавий

⁵Каримова В., Акрамова Ф. Психология. – Тошкент, 2000. – Б.114.

дунёсини англантишини таъкидлаш лозим. Шу маънода, психология – (қадимги юнончадан ψυχή – «қалб»; λόγος – «таълимот») — [психо... ва ...логос] – инсон фаолияти ва ҳайвонлар хатти-ҳаракати жараёнида воқеликнинг психик акс этиши, руҳий жараёнлар, ҳолатлар, ҳодисалар, хислатлар тўғрисидаги фандир. Психологиянинг тадқиқот предметига сезгилар ва идрок образлари, тафаккур ва ҳиссиёт, фаолият ва муомала каби психологик жараёнлар, категориялар киради. Психология энг аввало, психиканинг инсонга хос шакли бўлмиш онг ва ўзини ўзи англашни тадқиқ этаса-да, бу жараёнлар педагогика, маданият ва адабиёт билан чамбарчас боғлиқдирлар.

Жаҳон адабиётшунослигида XIX аср охири – XX аср бошларига келиб жадал ривожланган психологик метод асосида бадиий асарларни текшириш, умуман, бадиий руҳият муаммоси бош планга чиқди. Муаммонинг кенг камровда ўрганилиши исботи ўлароқ жаҳон ва рус адабиётшунослигида З.Фрейд, Л.Чернишевский, В.Белинский, Л.Гинзбург, А.Есин каби олимларнинг бадиий руҳиятга оид ишлари яратилди. Бадиий асар тил ва услуб гўзаллиги билан бир қаторда образлар табиати, қаҳрамон руҳияти, унинг ички кечинмаларини ҳам теран тасвирлаб берсагина ҳар жиҳатдан мукамал ҳисобланади. Шу маънода, адабий қаҳрамоннинг руҳий ҳолати, ана шу руҳий ҳолатнинг бадиий талқинини тадқиқ этиш зарурат саналади.⁶

Ўзбек адабиётшунослигида бадиий психологизм, руҳий таҳлил сингари мавзуларда айрим олимлар иш олиб борганлар. Аммо айни ҳодиса ўзбек болалар адабиёти доирасида махсус тадқиқ этилмаган. Зеро, болалар учун ёзилган ёки бола қаҳрамон бўлган асарларда ҳам бадиий образларнинг руҳий дунёси тасвирланади. Адабиётда инсон руҳияти тасвири ҳамisha муҳим масала саналади. Болалар адабиётида руҳият масаласини ўрганиш жамиятимизда ёш авлодни маънан баркамол этиб тарбиялашда бадиий адабиётнинг ўрнини юксалтириш жиҳатидан ҳам аҳамиятли саналади. Юртимизда болалар ва ўсмирлар адабиёти таржимасини ўрганиш тадқиқотнинг объектини тарихий ва мантиқий аниқлаб олиш билан бевосита боғлиқ. Бугунги кун адабиётида «Болалар адабиёти» ва «болалар учун яратилган бадиий асар», «болалар китоби» ва «болалар бадиий адабиёти» тушунчалари синонимлар сифатида қўлланилади. Аслида улар синонимлар эмас.

Болалар адабиётига ёндашишда турли мамлакатларда ҳар хил қарашлар мавжуд ва уларда болалар адабиётига тавсиф бериш ҳам турлича. Жумладан, Россия Федерациясининг «Детская литература» - «Болалар адабиёти» дарслиги муаллифлари болалар китобларини қуйидаги гуруҳларга бўладилар:

1) Россия Федерацияси ва дунёнинг бошқа халқлари оғзаки ижоди асарлари;

2) инқилобдан олдинги мумтоз адабиёт (рус, Россия халқлари ва хорижий);

3) замонавий адабиёт (рус, РФ халқлари ва хорижий)⁷.

⁶Тулабаева Р. Худойберди Тўхтабоев романларида бадиий психологизм. Филол.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD). дисс.авторефер. – Тошкент, 2019, – Б.5.

⁷Детская литература. (Зубарева Е., Сигов В., Скрипкина В., Фетисова Л., Кикоин Е., Марутич Т.) Учебник. – Москва, «Высшая школа», 2004. – С.7.

Рус олимларининг болалар адабиёти бўйича таснифи маълум – улар бу адабиётни тарих билан узвий боғлайдилар. Фарбий (Франция) ва шимолий (Швеция) Европа филолог ва педагог олимлари эса болалар адабиётини кўйидаги гуруҳларга ажратадилар:

Биринчи гуруҳга болалар ўқиши мумкин ёки лозим, деб ҳисобланган асарлар киради. Бу асарларни, албатта, катталар ва энг аввало, ота-оналар белгилайди. Иккинчи гуруҳга эса болалар ва ўсмирларга атаб битилган асарлар киради. Бу гуруҳга кирувчи асарларни, албатта, болалар ёзувчиси яратган бўлиши керак, ёхуд моддий имкониятга эга бўлган ота-оналар уларни буюртма бериб ёздирмоқлари мумкин. Тўртинчи гуруҳга катталар адабиётидан олинган парчалар киритилган бўлиб, уларнинг болалар ўқиши мумкинлиги ёки йўқлигини ҳам катталар, яна ота-оналар белгилайди. Шу ўринда Ҳ.Ҳессенинг кўйидаги сўзлари тўғри: «Жаҳон адабиётига жонли бир нарса янглиғ муносабатда бўла билмоқ учун китобхон ўзига кучли таъсир кўрсатган асарларни аллақандай қолиплар ёхуд таълимий дастурлар асосида эмас, балки ўзлигини таниш орқали ўрганмоғи муҳимдир... Кимдир гўдаклик чоғида – мактабга қадам кўйган кезларидаёқ ўзида гўзал шеърларга муҳаббатни кашф этади, бошқаси ватаннинг тарихи ёхуд ривоятларини севиб қолади, учинчиси, эҳтимол, халқ кўшиқларидан лаззатланар, тўртинчи одам эса адиб туйғуларини синчиклаб тадқиқ қилиб, улар бағоят юксак ақл-идрок билан ифодалаб берилганига ишончи комил бўлганидан кейингина мутолаадан масрур бўлмоғи мумкин... Шунинг учун болаларни ва ўспиринларни бирон муайян китобни ўқиб чиқишга ҳеч қачон мажбур қилиши керак эмас, чунки бу йўл билан унинг назарида энг гўзал асарларни қадрсизлантириб қўямиз ва умуман, ундаги мутолаага бўлган иштиёқни йўққа чиқариб қўйиши ҳам мумкин».⁸

Учинчи ва бешинчи гуруҳлардан эса ёшлар (болалар ва ўсмирлар)нинг ўзлари яратган ва чиндан ҳам ўзлари ўқийдиган асарлар жой олган. Демак, бу гуруҳларга киритилган асарларни болалар ва ўсмирларнинг ўзлари яратиши ва ўзлари танлаши мумкин, яна иқтидор ва имкониятга қараб, албатта.

«Детская литература» дарслиги муаллифлари ёш китобхонларни тўрт гуруҳга ажратадилар: «Шубҳасиз, болалар адабиётини ривожлантиришнинг кенг жиддий дастури (йўл харитаси) манзили аниқ, яъни у болаларнинг ёш хусусиятлари назарга олиниб ёзилган асарларда ўз ифодасини топмоғи лозим. Ёш китобхонларнинг тўрт гуруҳи мавжуд: мактабгача, кичик мактаб ёшидаги, ўрта мактаб ёшидаги ва катта мактаб ёшидаги китобхонлар. Бу гуруҳларнинг ҳар бирига мўлжалланган китоблар ўз хусусиятларига эга».⁹

Ўзбек филолог олимлари эса болалар адабиёти китобхонларини уч гуруҳга бўладилар. «Болалар китобхонлигини ўқувчиларнинг педагогик-психологик хусусиятларига кўра қуйидагича гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Мактабгача таълим ёшидаги болалар китобхонлиги (2 ёшдан 7 ёшгача).
2. Мактаб ёшидаги кичик болалар китобхонлиги (7 ёшдан 11-12 ёшгача).

⁸Ҳессе Ҳ. Жаҳон адабиёти кутубхонаси //Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида (Озод Шарафиддинов таржималари). – Тошкент, «Маънавият», 2010. – Б.5.

⁹Детская литература. – Москва, «Высшая школа», 2004. – С.8.

3. Ўрта ва катта ёшдаги болалар китобхонлиги (13-14 ёшдан 15-17 ёшгача)».¹⁰

«Мактабгача таълим ёшидаги болалар, асосан, тарбиячилари, ота-оналари ёрдамида бадиий асарлар билан танишсалар, бошланғич синф ўқувчилари бу ишни мустақил бажарадилар... Бироқ 11-12 ёшдаги болалар сеҳрли-фантастик эртақ, саргузашт, ҳикоя, қисса ва дostonларни севиб ўқийдилар. *Оллоёрнинг «Фазогир чумоли» (эртақ-қисса), Анвар Обиджоннинг «Даҳшатли Мешполвон» (эртақ-қисса), Қуддус Муҳаммадийнинг «Эркинжон ойга чиқибди» (дoston), Юсуф Шомансурнинг «Ойдан келган болалар» (дoston)* каби асарлари шу ёшдаги болаларга мўлжаллаб ёзилган».¹¹

Ўрта ва катта ёшдаги «болалар ўзлари мустақил равишда китоб ўқиб қолмай, балки ўқиган китобларидаги қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолашга ўрганадилар, зарурат бўлса улар кўрсатган мардлик ва жасоратларни такрорлашга ҳозирланадилар. Бу ёшдаги болаларга халқимизнинг шонли тарихи, бугунги ҳаёти ҳақида ёзилган турли жанрдаги асарларни тавсия этиш мумкин. «Широқ», «Тўмарис» каби афсоналар билан бирга Ойбек, Ғ.Ғулум, Зафар Диёр, Қ.Муҳаммадий, Ҳ.Назир, Ш.Саъдулла ва бошқаларнинг замонавий мавзудаги энг яхши асарлари муҳим тарбиявий аҳамият касб этади».¹²

Бу гуруҳдаги китобхонларга ўқиш учун тавсия этилган асарлар ҳақида ҳам эътироз билдириш мумкин. Табиийки, дарслик 2001 йилда нашрдан чиққанлиги, уни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртларининг ўзбек тили ва адабиёти факультетлари талабалари учун дарслик сифатида тавсия этганлигини назарда тутсак, халқимизнинг қадрли адиблари, бироқ XX асрда оламдан ўтган Ойбек, Ғ.Ғулум, З.Диёр, Қ.Муҳаммадий, Ҳ.Назир, Ш.Саъдуллаларнинг *замонавий мавзудаги* қайси энг яхши асарлари муҳим тарбиявий аҳамият касб этади, деган савол туғилиши мумкин. Бироқ «ўзбек адабиёти тарихи нозик руҳий ҳолатларни маҳорат билан акс эттирган дурдоналарга бой. Улар ҳозирги авлод руҳиятида, қалбида ҳам ҳаяжон уйғота олади, уларнинг маънавий бойишларига тегишли ҳисса қўша олади. Муҳими, улар бадиий дилимиз тақомилига, маънавий камолотга хизмат қилади».¹³

Замонавий адабиётшунослиқдан маълумки, муайян бир даврда муаллиф ролини чекламаслик ҳақидаги фикрлар илгари сурилиб, ҳикоячи бу муаллиф эканлиги исботланган бўлса-да, 1990 йиллардан буён новеллада ҳикоячи бу муаллиф эмас балки, ўқувчидир деган тўхтамга қайтилди. Бунинг асл сабаби ҳар бир китобхон ўзи ўқиган асар воқеаларида ўзи қатнашиши, қаҳрамонлар кечинмасини яқиндан ҳис қилиши ва бошидан кечиришидир. Ва ўқувчига нимани қандай қабул қилишни муаллиф белгилай олмайди, демак ҳар бир ўқувчи

¹⁰Жумабоев М. Ўзбек болалар адабиёти. Олий ўқув юртларининг ўзбек тили ва адабиёти факультетлари талабалари учун дарслик. – Тошкент, «Ўзбекистон», 2001. – Б.5.

¹¹Ўша жойда, – Б.8.

¹²Ўша жойда.

¹³Тўхлиев Б. Адабиёт - халқ ҳаётининг кўзгуси// Тўхлиев Бокижон. Ўзбек адабиёти. 9-синф учун дарслик. Иккинчи нашри. – Тошкент, «Ўқитувчи», 2001. – Б.5.

муаллифдир, асар иштирокчиси ва ҳикоячисидир. Нарратор – ҳикоячи ва наррация (Narration, narrateur) иборалари илк бор француз ёзувчиси, эссеист, сентиментал романлар муаллифи ва тадқиқотчи олим Жерар Женет (Gérard Genette, 1930-2018) Францияда “Нарратология” (ҳикояшунослик) – Narratologie асосчиларидан биридир. У 1960-йиллардан (Genette G. *Figures* (1966-1972), *Nouveau Discours du récit* (1983), Paris, Edition Seuil, 1960.) ҳикоя – баён қилиш усуллари ҳақида янги танқидий фикр юрита бошлади ва ҳар бир воқеа-ҳодисани ва қаҳрамоннинг ички ҳиссиётларини ҳам билувчи лекин ўзи жараёнда қатнашмайдиган нарратор (narrateur omniscient), учинчи шахсда ҳикоя қилувчиаммо ўзи воқеада қатнашмайдиган нарратор (narrateur extradiegetique) ҳамда биринчи шахсда ҳикоя қилувчи, воқеа-ҳодислардаўзи қатнашиб ўз номидан ҳикоя қилувчи нарратор (narrateur intradiegetique)ни фарқлайди.

Ўзбек болалар ва ўсмирлар адабиётида бадиий таржиманинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Француз адабиётидан ҳам қатор асарлар ўзбек тилига таржима қилинди. Француз бадиий прозасининг ўзбек тилига қилинган илк намунаси 1924 йилда В.Буллаев француз тилидан тўғридан-тўғри таржима қилган В.Гюгонинг «Сехрли сарой» ҳикояси («Париж Биби Марям ибодатхонаси» романидан парча) бўлиб, унда ибодатхона остонасига ташлаб кетилган Квазимодонинг болалик йиллари ҳақида ҳикоя қилинади.

30-йилларда жаҳон адабиётининг йирик жанрлардаги асарларидан лавҳалар таржима қилиш тажрибаси давом эттирилди. Мутаржим Н.Алимуҳамедов В.Гюгонинг «Денгиз заҳматкашлари» романидан бош қаҳрамон Жилиятнинг болалиги ҳақидаги парчаларни қатор қисқартиришлар билан таржима қилган.

40-йилларда француз адибларидан Р.Ролланнинг «Жан-Кристоф» романидан «Жан-Кристоф» номли (таржимон М.Осим, 1940), В.Гюгонинг «Хўрланганлар» романидан «Козетта» (1941) номли парчалар ўзбек тилига таржима қилиниб, алоҳида китоб ҳолида нашр этилди. А.Доденинг ватанпарварлик руҳидаги «Сўнгги дарс» (сарлавҳа тагидан қавс ичида «Эльзаслик боланинг ҳикояси») новелласи таржима қилиниб (таржимон Н.Мақсудий), алоҳида китобча ҳолида нашр қилинди ва Иккинчи жаҳон урушида иштирок этаётган ўзбек аскарларига жўнатилган.¹⁴

Ўтган асрнинг 50-йилларида Ж.Верннинг «Ўн беш ёшли капитан» (М.Раҳмонов, 1954) ва «Сирли орол» (М.Исмоилий, 1954) романларининг ўзбекча таржималари бир пайтда таржима қилиниб нашр этилди. Машҳур француз адиби Ш.Перронинг адабий эртақларидан «Қизил қалпоқча» (таржимон Ш.Саъдулла), «Золушка» (таржимон С.Исмоилова) ва «Этик кийган мушук» (таржимон кўрсатилмаган) рус тили орқали ўзбек тилига таржима қилинди. Ш.Перро эртақлари 60-70-йилларда ҳам рус тили орқали қайта таржима қилиниб, нашр этилди.

Болалар туйғуларининг поклиги ва шўхликларини тасвирлаш ҳар қандай адиб учун ижтимоий аҳамият касб этади. Ёзувчи тасвирлаган оламда инсон

¹⁴Доде А. Сўнгги дарс. – Тошкент, «ЎзДавНашр», 1945.

фақат болалиги ва ўсмирлигида қалб поклигини, туйғуларининг самимийлиги ва софлигини сақлаб туради, вақт ўтиши билан бу хислатлар сўниши сир эмас.

Мустақиллик йилларида француз болалар адабиётидан ўзбек тилига бевосита таржима қилинган асарлар орасида Ш.Перро эртаклари алоҳида ўрин тутади. 2000 йили «Шарк» Нашриёт-Матбаа концерни Ш.Перронинг «Она Ғоз эртаклари»ни (таржимон Ш.Миноваров) ўзбек тилида нашр этди.¹⁵ М.Холбеков бевосита таржима қилган француз адибларининг эртаклар тўплами тўлдирилиб, 2018 йилда лотин алифбосида «Etik kiygan mushuk» ҳамда кирил алифбосида «Жаноб Сегэннинг эчкиси» номлари билан қайта нашрдан чиқди.¹⁶ Кейинги йилларда Ш.Перронинг «Уйқудаги гўзал», «Шумшук қиз», «Эшак териси» ва «Қизил қалпоқча» (таржимонлар Т.Алимов, И.Зоир, М.Омон ва А.Акбар)¹⁷ каби бир қатор эртаклари ўзбек тилига рус тили орқали ҳам таржима қилинди.

Ўзбекистонда таржима қилинаётган асарларнинг миқдори ва жанрларининг тобора ортиши, таржимачиликнинг тараққиёти натижасида болалар адабиёти таржимасининг у ёки бу масалаларига бағишланган айрим мақолалар, тақризлар эълон қилина бошланди. Т.Фаттоҳнинг «О переводах произведений детской литературы на узбекский» номли мақоласи бадий таржиманинг кам ўрганилган соҳаларидан бири бўлган болалар адабиёти намуналари таржимасидек муҳим масалага бағишланган.¹⁸ Мақолада болалар адабиётидаги асарларнинг таржимаси учун зарур бўлган умумий тамойилларни ҳал этиш масаласига урғу берилади. Олим ҳақли равишда таъкидлаганидек, болалар адабиётининг таржимони аслият тили ва у таржима қилинаётган тилни яхши билиши, аслият мансуб бўлган халқ тарихи, миллий-маданий хусусиятлари, турмуш тарзини яхши билиши билан бир қаторда ўзининг бўлажак ёш китобхонларининг психологиясини, ёши ва дидини ҳисобга олган ҳолда иш кўриши керак. Бунинг учун болалар адабиёти таржимони яхши педагог бўлиши ҳам керак.¹⁹

Орадан бир йил ўтиб К.Йўлдошевнинг «О переводах стихов С.Маршака» номли мақоласи эълон қилинди.²⁰ Бу мақола ҳам болалар адабиёти (мазкур ҳолда: шеърят) таржимасидек муҳим мавзунинг ёритишга бағишланган бўлса-да, уни Т.Фаттоҳ асари билан тенглаштириб бўлмасди.

Диссертациянинг **«Француз адабиётидан ўзбек тилига таржима қилинган асарларда болалар ва ўсмирлар руҳиятининг қайта яратилиши»** деб номланган иккинчи боби билвосита ва бевосита таржималарда болалар руҳиятини қайта яратиш масалаларига бағишланган. Француз адиби Г.Мало (Hector Malot, 1830-1907)нинг 1878 йилда нашр этилган «Саёқ труппа» (русча «Без семьи», французча «Sans famille») қиссаси асарнинг 1960 йил Қозоғистон

¹⁵Перро Ш. Она Ғоз эртаклари. – Тошкент, «Шарк» НМАК, 2000.

¹⁶Жаноб Сегэннинг эчкиси. Француз адибларининг эртаклари. – Тошкент, «Адабиёт учқунлари», 2018; Etik kiygan mushuk. Fransuz adiblarining ertaklari. – Toshkent, «Adabiyot uchqunlari», 2018.

¹⁷Perro Sh. Uyqudagi go'zal. – Toshkent, «DAVR» NASHRIYOTI MChJ, 2009 ; Perro Sharl. Shumshuk qiz. – Toshkent, DAVR NASHRIYOTI MChJ, 2009; Perro Sh. Eshak terisi. – Toshkent, «DAVR», 2009. Perro Sh. Qizil qalpoqcha. – Toshkent, Cho'lpon nomidagi NMIU, 2011.

¹⁸Темур Ф. О переводах детских произведений на узбекский язык. – Тошкент, «Звезда Востока», 1950, № 7.

¹⁹Ўша жойда, – С.103.

²⁰Юлдашев К. О переводах стихов С.Маршака. – Тошкент, «Звезда Востока», 1951, № 6.

Давлат нашриёти томонидан чоп этилган русча нусхасидан 1965 йил С.Сайдалиева томонидан ўзбекчалаштирилди. Айрим камчиликларга эътибор бермаганда, асарнинг ўзбекча таржимаси унинг русча нусхасига деярли тўлиқ мос келади. Бироқ ҳар икки таржимани унинг аслияти билан таққослаганда диссонанс ҳолатлар намоён бўлади.

Асарнинг ўзбекча нусхасини унинг аслияти билан таққослаган киши мутаржимнинг «махоратидан» ажабланмасдан иложи йўқ. Русча, ўзбекча таржималарда ҳам асарнинг асосий ўринларини баъзан таржимон тушунмаган, баъзан эса бутунлай бузиб кўрсатган. Бу эса асарнинг бадиий аҳамиятини, кийматини пасайтиришга олиб келган. Балки бу мутаржимнинг тажрибасизлигидан, балки мафкуравий нуқтаи назардан амалга оширилгандир. Зотан бир пайтлар В.Жирмунский ёзган эдики, «Таржима адабиёти ўзи таржима қилинаётган тил адабиёти мақсадига хизмат қилади».²¹ Ю.Кондратьеванинг китобнинг русча нашрига ёзган «Гектор Мало ва унинг «Саёқ труппа» повести» номли сўз бошисида ҳам гап шу ҳақида кетади: «Саёқ труппа» *капиталистик мамлакатдаги халқнинг оғир ҳаётини* тасвирловчи асардир. *Совет болалари учун китобнинг худди ана шу томонлари аҳамиятли*».²² Таржима совет болалари ва ўсмирларига мўлжалланганлиги учун таржимон уни жуда тушунарли тилда таржима қилишга интиланган. Қолдирилиб кетилган жойлар жуда кўп, миллий реалияларга катта зарар етган. Аслиятда муаллифнинг ўз қизи Люси Малога «Бағишлов»и русча ва ўзбекча таржималарда йўқ.

Русча ва ўзбекча таржимада ҳам болалар, айниқса, Реми руҳиятини қайта яратишга асарнинг биринчи бобидаёқ путур етади. Буни айрим мисолларда кўриш мумкин. Аслиятдаги «Quand j'avais une querelle avec un de mes camarades, elle me faisait conter mes chagrins, et presque toujours elle trouvait de bonnes paroles pour me consoler ou me donner raison» русчага «Я рассказывал ей о своих огорчениях, о ссорах с товарищами, и немногими ласковыми словами она всегда умела успокоить и образумить меня»,²³ ўзбекчага эса «Мен унга ўз қайғуларим, ўртоқларим билан жанжаллашганим тўғрисида гапириб берардим, у эса бир-икки оғиз ширин гап билан мени тинчлантирар, насиҳат қиларди»,²⁴ - деб таржима қилинган. Аслиятдаги жумла рус тилига «Когда я ссорился с кем-нибудь из моих товарищей, она спрашивала меня о моих обидах и почти всегда находила ласковые слова чтобы меня успокоить и дать советы», деб таржима қилиниши лозим эди. Чунки бу ерда Реми онасига шикоят қилмаяпти, аксинча, Барбарен она унинг муаммолари ҳақида суриштиряпти. Бунинг аҳамияти жуда катта, зотан у рус ва ўзбек ёш китобхонлари қаршисида қаҳрамон характерини бузиб кўрсатади, уни арзанда қилиб қўяди.

XX аср умумжаҳон адабиётининг етук намояндаларидан бири А.де Сент-Экзюперининг «Кичкина шахзода» фалсафий қиссаси ҳажман кичик асар

²¹Владимирова Н. Развитие узбекской прозы XX века и вопросы художественного перевода. – Тошкент, «Фан» 2011. – С.265.

²²Кондратьева Ю. Гектор Мало ва унинг «Саёқ труппа» повести/ Г.Мало. Саёқ труппа. – Тошкент, «Ёш гвардия», 1965. – Б.3.

²³Lib.ru.html Гектор Мало. Без семьи.

²⁴Мало Г. Саёқ труппа.– Тошкент, «Ёш гвардия», 1965. – Б.9.

бўлса ҳам, унда адиб инсон ҳаётининг маъноси ва мазмуни ҳақидаги дардлари ва фалсафий мушоҳадалари, инсонлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик, ҳамдардлик ва ўзаро ҳурмат муносабатлари, Ёвузлик ва Ёмонликка қарши кураш ғояларини акс эттирган. Унда инсонларнинг ўз ватанига, туғилиб ўсган масканига бўлган муҳаббати ва соғинчи ҳисси асосий ўринни эгаллаган.

Х.Султонов рус тилидан ўзбек тилига таржима қилган бу асар бир неча марта қайта-қайта чоп этилди. Асарнинг ўзбекча таржимаси ҳақида фақат илиқ гапларни айтиш мумкин. Шундай мураккаб фалсафий қиссанинг асосий мазмуни ва моҳияти таржимада тўлиқ сақланган, Кичкина шаҳзоданинг руҳиятини таржимада тўлиқ акс эттиришда таржимон ўзбек тилининг барча имкониятларидан моҳирона фойдаланган. Бунга қатор мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, Кичкина шаҳзода билан феруза гул ўртасида бўлиб ўтган суҳбат қуйидагича таржима қилинади.

Русчада:

«Маленький принц конечно догадался, что удивительная гостья не страдает избытком скромности, зато она была так прекрасна, что дух захватывало!...»

*- Когда настанет вечер, накройте меня колпаком. У вас тут слишком холодно. **Очень неуютная планета. Там, откуда я прибыл...**»²⁵*

Ўзбекчада:

*«Кичкина шаҳзода бу гунчанинг камтарлик бобида намуна бўлмаслигини пайқади, бироқ у шунчалар дилбар ва латиф эдики, **одамни беихтиёр довдиратиб қўярди!**...»*

*- Бу ер роса совуқ экан. Кечқурун мени шиша қалпоқ билан ўраб қўйинг, хўпми? **Сайёрангиз ҳаддан ташқари бефайз экан. Мен келган жойдачи...**»²⁶*

Ёки, русчада:

*«Когда очень хочешь состричь, иной раз поневоле приврешь. Рассказывая о **фонарищиках**, я несколько погрешил против истины. Боюсь, что у тех, кто не знает нашей планеты, сложится о ней неверное представление. Люди занимают на Земле не так уж много места... Все человечество можно бы составить плечом к плечу **на самом маленьком островке в Тихом океане**»²⁷*

Ўзбекчада:

*«**Баъзан ҳаддан ташқари суҳандонлик қилгинг келиб қолганда озми-кўпми муболага қиласан, киши. Мана, мен ҳам чароғбонлар ҳақида сўзлай туриб, ҳақиқатга бирмунча хилоф иш тутдим. Ишқилиб, сайёрамизни яхши билмайдиганларда у ҳақда нотўғри тушунча пайдо бўлмаса бас! Аслида одамлар Ер юзида унчалик кўп жойни эгалламайди... Бутун инсониятни Тинч океандаги тангадеккина оролчага ҳам сиздириб юбориш мумкин**»²⁸*

²⁵Сент-Экзюпери А.де. Ночной полет. Письмо заложнику. Маленький принц. – Москва, Бук Чембэр Интернэшнл, 1991. – С.98.

²⁶Sent-Ekzyuperi A.de. Kichkina shahzoda. – Toshkent, «Ma'naviyat», 2003. – В.28-30.

²⁷Сент-Экзюпери А.де. Ночной полет. Письмо заложнику. Маленький принц. – Москва, Бук Чембэр Интернэшнл, 1991. – С.115.

²⁸Sent-Ekzyuperi A.de. Kichkina shahzoda. – Toshkent, «Ma'naviyat», 2003. – В.57.

Таржимон келтирилган ҳар икки мисолдаги русча оддий сўз ва иборалардан тортиб, бутун-бутун жумлаларгача ўзбек тилида муносиб муқобилларини топади. Болаларга хос бироз бўрттириш иштиёқи ва ёлгончилик хусусиятлари ҳам таржимада жуда ўринли қайта яратилган. Такқосланг:

*на самом маленьком островке – тангадеккина оролчага,
Очень неуютная планета – Сайёрангиз ҳаддан ташқари бефайз экан,
Когда очень хочешь сострить, иной раз поневоле приврешь – ҳаддан ташқари сухандонлик қилгинг келиб қолганда озми-кўпми муболага қиласан киши.*

«Кичкина шаҳзода» фалсафий эртаги ўзбек тилига моҳирона ўгирилган, асар она тилимизда ўзининг барча жозибасини сақлаган. Француз адиби кўтариб чиққан гуманизм ғоялари каттаю-кичик ўзбек китобхонларига тўлалигича етказилган. Х.Султоновнинг таржима учун ўз иқтидори йўналишига мос келувчи, ўз оригинал асарлари мавзуларига мос тушувчи асарни танлагани унинг муваффақиятли чиқишига олиб келган.

Ш.Перронинг эртаклари, асосан, болалар учун ёзилган, уларда болалар дунёси, болалар руҳияти акс эттирилган. Унинг асарларида болалар аниқ, образли мушоҳада юритади: бола воқеликни рангли тасвирларда қабул қилади, у ёруғ ва ғайриоддий нарсаларга интилади, воқеа-ҳодисаларда шахсан иштирок этган, биринчи шахсда ҳикоя қилувчи – интранарратор қаҳрамонларнинг ҳикоясини ёқтиради. Бундай асарларни ўзга тилга ағдариш таржимондан катта маҳорат талаб қилади.

Ш.Перронинг қатор эртаклари орасида энг кўп таржима қилингани «Қизил қалпоқча» - «Le Petit Chaperon rouge» эртагидир. Биз қуйида мазкур эртакнинг А.Акбар ва Ш.Миноваров томонидан ўзбекчалаштирилган вариантларини унинг аслияти билан такқослаб кўрамиз.

Қизчанинг соддалиги эртақда Қизил Қалпоқчанинг бўри билан учрашувида намоён бўлади. Аслиятда:

«Il lui demanda où elle allait ; la pauvre enfant, qui ne savait pas qu'il est dangereux de s'arrêter à écouter un Loup, lui dit :

- Je vais voir ma Mère-grand, et lui porter une galette avec un petit pot de beurre que ma Mère lui envoie.»²⁹

Шу ерда, яъни Қизил Қалпоқчанинг бўри билан суҳбатида адиб болаларнинг ўзларига хавф солиб турган хатарни сезмасликлари, ишонувчанликларини кўрсатади. Аслиятда адиб Қизил Қалпоқчага ачинади ҳам: *«la pauvre enfant, qui ne savait pas qu'il est dangereux de s'arrêter à écouter un Loup»* – «бечора қизча, Бўрининг гапига қулоқ солиш учун тўхташ ҳам хавфли эканини билмас экан».³⁰

Ўзбекча таржимада бу учрашув хавфли эканлиги акс этган бўлса-да, адибдаги Қизил Қалпоқчага ачиниш ҳисси сезилмайди:

²⁹Perrault Charles. Contes de ma mère l'Oye.- Paris : Librio, 1994. – P.23. Бундан кейин шу асардан олинган мисолларнинг саҳифаси қавс ичида келтирилади. – Г.Р.

³⁰Бу ерда ва бундан кейин муқобил таржималар бизники. – Г.Р.

«Қизил Қалпоқча бўрилар билан гаплашиш хавфли эканини хаёлига келтирмас экан».³¹

Маккор бўри ўз ниятини амалга ошириш учун қизчани алдайди. Қизил Қалпоқча эса унга ишонади-қолади.

Аслиятда:

« - *Eh bien, dit le Loup, je veux aller la voir aussi ; je m 'y en vais par ce chemin-ci, et toi par ce chemin-là, et nous verrons qui plus tôt y sera.*» (23)

Бу гап аслиятга деярли мос келади:

« – *Ҳа! – дебди бўри, - менинг ҳам бувингни кўргим келяпти. Яхшииси. Мен бу йўлдан, сен унисидан кет. Қани, ким олдин етиб бораркин.*» (5)

Бу ерда ўзбекча «**яхшииси**» сўзи аслиятда йўқ.

Болалар орасида шунга ўхшаш ўйинлар кўп: бекинмачоқ ўйнашлар, маррага ким олдин етиб боришлар ва ҳоказо. Маккор бўри ёш боланинг шу психологиясидан усталик билан фойдаланади. Ўзбекча таржимада бу гап қискагина бир жумлада келтирилади: «Қизил Қалпоқча узоғидан кетибди, йўл-йўлакай тўхтаб, гуллар терибди.» (5)

Қизчанинг руҳияти, айниқса, унинг соддалиги бўри билан муносабатида намоён бўлади. Қизил Қалпоқча соддалиқ қилиб бўрига ўзининг қаёққа кетаётганини айтиб қўяди: бўри қизчадан олдинроқ бориб, унинг бувисини еб қўяди ва ўрнига ётиб олади.

Бувисиникига бўридан кейин етиб келган Қизил Қалпоқча эшик ташқарисидан туриб бўри билан гаплашади. Бу ерда ҳам биз қизчанинг соддалигини кўрамыз. У бўрининг қўпол товушидан ажабланган бўлса-да, уни ҳали ҳам ўз бувим деб ўйлайди.

Турли даврларда Ш.Перронинг қатор эртаклари ўзбек тилига восита тил – рус тили орқали таржима қилинган. ХХ асрнинг охирига келиб адибнинг асарлари француз тилидан бевосита – тўғридан-тўғри таржима қилина бошланди. Бироқ шу нарсани аниқ таъкидлаш мумкинки, бу таржималарда айнан бир ҳодиса, айнан бир хос сўзни ўзбекчалаштиришда турфа хилликни кузатиш мумкин. Ҳатто эртакларнинг номларини таржима қилишда ҳам ҳар хиллик мавжуд. Баъзан бир эртақ уч номда таржима қилинган: «Кулойим ёки биллур бошмоқчалар» (Ш.Миноваров) – «Мазлума» (М.Холбеков) – «Шумшук қиз» (Т.Алимов). Аслиятдан қилинган таржималарда эса икки хил номда: «Устаси фаранг ёки этик кийган мушук» (Ш.Миноваров) – «Этик кийган Мушук» (М.Холбеков); «Сехргарлар» (Ш.Миноваров) – «Сехргар» (М.Холбеков); «Кокилдор Рикэ» (Ш.Миноваров) – «Рикье–кокилча» (М.Холбеков) ҳамда «Жимжилоқвой» (Ш.Миноваров) – «Кичкина Пусье» (М.Холбеков).

Барча ўзбек таржимонлари ҳам тўғри йўл тутган деб бўлмайди. Ҳар бир таржимон дунёни ўз кўзи билан кўриши ва аслиятни ўзига хос равишда идрок этиши сабабли бир асарнинг айнан бир хил таржимаси бўлиши мумкин эмас – ҳар бир таржимон индивидуал ижодкор ҳисобланади. Шу сабабли таржимада

³¹Перро Ш. Она Ғоз эртаклари. – Тошкент, «Шарқ» НМАК, 2000. – Б.5. Бундан кейин шу асарнинг ўзбекча таржимасидан олинган мисолларнинг саҳифаси кавс ичида келтирилади. – Г.Р.

мутаржимнинг ажнабий тил ва она тилини билишидан ташқари, оригинал ижоддаги каби дунёқараши, иқтидори ва тажрибаси ўз аксини топади. «Бунинг барчасини кўра билмаслик ва таржимондан мутлақ бепарволикни талаб қилиш нафақат ўта соддалик, балки нореалдир».³²

Бир асарнинг бир неча таржимаси бўлгани маъқул. Бу билан бадиий таржимачилигимиз ривожланади, таржимашуносларга ҳам изланишлар учун манбалар кўпаяди. Шу маънода, таниқли рус таржимони М.Лозинскийнинг «Бир асарни таржима қилмоқчи бўлган таржимон шу асарнинг олдинги таржимасини ўқимаслиги керак. Йўқса, у олдинги таржиманинг қулига айланиб қолади»³³ деган фикрига қўшилиб бўлмайди.

2008 йилги адабиёт соҳасидаги Нобель мукофотининг лауреати, таниқли француз адиби Ж.-М.Леклезининг «Мондо ва бошқа ҳикоялар» тўплами ўзбек тилига таржима қилинган.³⁴ Тўпландаги барча ҳикояларнинг қаҳрамонлари ёш болалар. Ҳикояларда уларнинг руҳиятлари ўзларини қуршаб турган табиат, муҳит ва одамларга боғлиқ ҳолда ёритилади. Тўплам биринчи новелласининг номи ҳам «Мондо». Мазкур ҳикоянинг ўзбекча таржимаси матни бир текис кетган бўлса-да, аслиятда номлари ёки рақамлари қўйилмаган олти қисмга бўлинган бу новелла Мондо исми ўн яшар болакай ҳаётининг беш куни ҳақида ҳикоя қилади, зотан унда бола ҳаракатининг турли дақиқаларини ва руҳиятининг турфа қирраларини учратиш мумкин.

Аслиятда:

*«Quand il y avait quelqu'un qui lui plaisait, il l'arrêtait et lui demandait tout simplement : « Est-ce que vous voulez m'adopter ? »Et avant que les gens soient revenus de leur surprise,il était déjà loin».*³⁵

Таржимада:

*«Агар у бирор кимсани ёқтириб қолгудек бўлса, ўша одамни тўхтатар ва ва соддадиллик билан: «Мени ўғил қилиб олишни хоҳлайсизми?»- дерди. Ҳайратга тушган йўловчи ўзига келганда у аллақачон узоқлашиб кетган бўларди».*³⁶

«Мондо ва бошқа ҳикоялар» тўплами таржимаси муваффақиятли амалга оширилган. Муаллиф айтмоқчи бола руҳиятидаги ҳам умид, ҳам умидсизлик белгиларини, яъни боланинг ўз оиласи бўлишига умид боғлаб айнан ёқтириб қолган кишилардан – чунки ҳар қандай ота-она фарзандини ва ўз навбатида фарзанд ҳам ота-онасини яхши кўришини у ҳам билади – фарзандликка олишини сўраши, шу билан бирга бунинг иложи йўқлигини мурғак қалби билан ҳис қилгани учун ҳам уларнинг жавобини кутмасдан жўнаб қолиши саҳнасини таржимон таржимада тўлиқ қайта яратган.

«Мондо ва бошқа ҳикоялар» новелласида нарраторнинг мавжудлиги биринчи саҳифалардаёқ намоён бўлади: у воқеалар билан танишга ўхшайди–

³²Гачечиладзе Г. Художественный перевод и литературные взаимосвязи. – Москва,СП, 1980. – С. 162.

³³В тени слово. Телеканал «Культура», 12 ноябрь, 2008.

³⁴Ле Клезин. Мондо. Фаранг тилидан Шоазим Миноваров таржимаси. – Тошкент, «Янги аср авлоди», 2000.

³⁵Le Clézio J.-M. Mondo et autres histoires. - Paris: Gallimard, 2006. – P. 11. Бундан кейин мазкур нашрдан олинган мисолларнинг саҳифаси қавс ичида келтирилади. – Г.Р.

³⁶Ле Клезин. Мондо. Фаранг тилидан Шоазим Миноваров таржимаси. – Тошкент, «Янги аср авлоди», 2000. – Б.11. Бундан кейин мазкур нашрдан олинган мисолларнинг саҳифаси қавс ичида келтирилади. – Г.Р.

хар жойда ҳозир-нозир нарратор (narrateur omniscient), ухлаб ётган Мондо тепасида пайдо бўлади, қатор сахналарда ўзининг ожизлигини, билимсизлигини очиб ҳам кўяди. Шу сабабли биз ҳам «Мондо ва бошқа ҳикоялар» қаҳрамонларининг ўтмишини ҳам, келажагини ҳам билмаймиз. Жумладан, «Мондонинг қаердан келиб қолганини ҳеч ким билмайди. У шахримизда кутилмаганда бир куни пайдо бўлганини ҳеч ким сезмади, кейинчалик эса ҳамма унга ўрганиб кетди». – «*Personne n'aurait pu dire d'où venait Mondo. Il était arrivé un jour, par hasard, ici dans notre ville, sans qu'on en aperçoive, et puis on s'était habitué à lui*». (P.11)

Ўзбекча таржима ҳам буни тўғри акс эттирганга ўхшайди:

«Мондонинг қаердан келиб қолганини ҳеч ким билмасди. У шахримизда тўсатдан, ҳеч кимга сездирмасдан пайдо бўлиб қолган, кейинчалик ҳаммамиз унга ўрганиб кетган эдик». (Б.7)

Ҳа, таржима сўзма-сўз тўғри амалга оширилган. Жумладан, *par hasard – тўсатдан, dans notre ville – шахримизда*. Бироқ «*sans qu'on en aperçoive*» – «*ҳеч кимга сездирмасдан*» эмас, «*ҳеч ким сезмай, билмай*» дегани. Бир қараганда буларнинг орасида фарқ йўқдек. Аммо фарқ бор, зеро «*ҳеч кимга сездирмасдан*» ибораси «*ҳеч кимга билдирмай*», «*маълум қилмай*», «*яшириниб*» деган маънони беради. Бу эса, ҳали ҳеч ким танимаган атиги ўн ёшли болани ҳикоянинг биринчи жумласиданоқ жинойтчига айлантириб кўймоқда. Бола шахарга «*ҳеч кимга сездирмасдан*» келган эмас, унинг келиб қолганини ҳеч ким сезмаган, бу эса боланинг айби эмас.

«Мондо ва бошқа ҳикоялар» тўпламининг қаҳрамонлари ота-оналари йўқ ёки уларни тилга олмайдиган яқка болалар ёхуд ўсмирлар, улар мактабга бормайди, олдин борган бўлсалар ҳам энди бормайди. Уларнинг назарида мактаб ота-она учун керак, холос. Қатъий тартиб-интизоми билан мактаб улардан узоқлашиб боради, шундай экан, у йигитчаларга ҳеч қандай эркинлик бера олмайди. Люлаби ота-онасига айтиб, мактабни ташлайди.

Люлаби «*мактабга бошқа бормасликка қарор қилганида ҳали эрта, тонг отмаган эди*» - «*le jour que Lullaby décida qu'elle n'irait plus à l'école, c'était encore très tôt le matin*». (77)

«*Катта гура-шира ётоқхонадагилар уйғонганида эса Даниел йўқ эди*» - «*Quand les pensionnaires se sont réveillés, dans le grand dortoir gris, il avait disparu*». (163)

Қаҳрамонлар бир оз содда, хаёлпараст бўлса ҳам, бахтиёр ҳаёт, обрў-эътиборга интилади. Уларнинг ҳар бири эркинлик ва қувонч бахш этадиган йўлни тутишга ҳаракат қилади. Улар ота-оналарига ҳам, етакчи ташкилотларга ҳам итоат қилмайди. Бу «*кичкина шахзодалар*» қалбингни титратади: катталарнинг талабчан дунёсида адашган бу болаларни ҳеч ким тушунмайди, улар ўзлари учун бегонадек бу жамиятда ўринларини топа олишмайди, одамларнинг бефарқлиги, бераҳмлиги, таҳдидлари ва зўравонликларига қарши курашадилар. Бу уларнинг эркинликларидан ва қайсарликларидан дарак беради.

Француз адабиётшуноси Ж.де Кортанзенининг фикрича, Леклезио учун «*Болалик бола эмас. Бу аниқ, бироқ Леклезио эркаклар ва аёллар бола бўлиб*

қолишни билмасликларидан афсусда. «Заминдаги бегона» (L'Inconnu sur la terre)да қуйидагиларни ўқиш мумкин: «Болалар қуёш, болалар нур таратади. Болалар бечораларга, кўчманчиларга ўхшайди, куч, ҳақиқат туйғулари ҳам, қудрат ва гўзаллик ҳам улардан келади. Буларнинг ҳаммасини улар бизга беради, булар бизга сингади. Болалар авлиёлар, фақат уларгина мутлақ авлиё бандалардир». Леклезіо илоҳий гўзалликни болаларда кўрар экан, уларнинг келажаги равон ва беғубор деб ҳисоблайди, зеро уларнинг ўзаро ва улар билан ҳаёт ўртасидаги муносабатга ҳеч нарса тўсиқ бўла олмайди».³⁷ (таъкид бизники – Г.Р.)

Леклезіо болалар қувончини, кулгусини, соддалигини севади ва одамлар ўйлаб топган жиддийликни бу нарсаларга қарши қўяди. Бироқ бола дегани болалик эмас. Болалик – соғинч маскани.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ўзбек болалар адабиётидан француз тилига таржима қилинган асарларда болалар ва ўсмирлар руҳияти**» деб номланади.

Ўзбек болалар шоирларининг шеърлари чет тилларга, жумладан, француз тилига ҳам таржима қилинган ва қилинмоқда. Шундай асарлар орасида Пўлат Мўминнинг «Дадам ишдан келсалар» шеъри ҳам бор.³⁸ Шеър дастлаб маҳорат билан рус тилига,³⁹ ундан француз тилига ағдарилган. Асарнинг руҳи, қаҳрамон руҳияти француз тилида дуруст берилган. Дадасининг ишдан қайтишини кутаётган боланинг ҳолати шеър бошидаги тўртликда эмас, охиридаги тўртликда аниқ тасвирланган.

Биз П.Мўмин шеърининг мазмуни ва маъносини таҳлил қилмоқчи эмасмиз (Дадам катта заводда, /Энг моҳир муҳандислар /Терим машинасига /Ҳар хил деталлар ясар. /Ишлари анча оғир – /Дастгоҳ узра кун бўйи/ Чарчайдидилар-да, ахир.), бизни шеърнинг таржималари қизиқтиради. Шеър рус тилига ҳам, француз тилига ҳам «Ишчи оиласи» номи остида таржима қилинган (У нас рабочая семья – Une famille d'ouvrier).

Шеърнинг русча таржимасига аслиятда йўқ бошқа тўртлик ҳам қўшилган. Тўртликда айтилишича, ака-укалардан иккиси акробат, кенжатой мусиқачи, лирик қаҳрамон шеър ўқийди – ҳамма билганини қилади: «Два брата – акробаты, /А младший – музыкант, /А я стихи читаю – /У каждого талант». Бу тўртлик француз тилига қуйидагича ўгирилган: «Les grands sont acrobates, /Musicien le cadet./Je récite des vers, /Chacun fait ce qu'il sait». Ўзбекча таржимаси: «Катталар акробатлар, /Мусиқачи кенжатой. /Мен эса шеър ўқийман, /Ҳар ким билганин қилар».

Юқорида таъкидлаганимиздек, шеърнинг бошидаги биринчи тўртлик унинг охирида ҳам такрорланади. Сўнгги тўртлик, айниқса, француз тилига муваффақиятли таржима қилинган:

³⁷Cortanze G.de. J.-M.G. Le Clézio. – Paris : Gallimard /CULTURESFRANCE ÉDITIONS, 2009. – P.11-12.

³⁸Poulat M. Une famille d'ouvrier. /Lettres soviétiques.№ 279, 1982.– P.143.

³⁹Мумин П. Яблоко на всех. Стихи, сказки, загадки. Перевод с узбекского. – Москва, «Детская литература», 1980. – С.31.

«...Papa rentre le soir,/La joie vient avec lui. /Et plus haut que le ciel /Notre coeur bondit !»

Умуман олганда, аслиятдаги уч тўртлик қисқаргани билан шеър рус тилига ҳам, француз тилига ҳам тушунарли, аниқ ва маҳорат билан таржима қилинган. Йўл қўйилган нуқсонлар шоир айтмоқчи бўлган фикрга, асарнинг бош ғоясига ҳамда лирик қаҳрамон образи, руҳияти талқинига зид келмайди. Кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, шеърнинг французча таржимасини Е.Муравьёва унинг русча муқобилидан ўгирган бўлса-да, у асл нусхасига бирмунча яқин бўлиб, таржима талабларига кўпроқ жавоб беради.

Кўриниб турганидек, Е.Муравьёва таржимада шакл ва мазмун мутаносиблигига эришган. Бунга у француз тили имкониятларидан унумли фойдаланганлиги учун эришган, зеро «... аслиятнинг мазмуни алоҳида эмас, шакл билан бирга, ўзи мужассамлашган лисоний воситаларда намоён бўлади ва таржимада ҳам уни фақатгина лисоний воситалар орқали баён қилиш мумкин».⁴⁰ Баъзи бир сўзларнинг нотўғри таржима қилинганлигини эса шеърнинг воситачи рус тилидаги муқобили таъсири натижасида юз берган деб тушунмоқ керак.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти совриндори Ҳ.Назирнинг чет тилларга таржима қилинган асарлари орасида французчага Е.Муравьёва томонидан⁴¹ ўгирилган «Жонли хат» ҳикояси ҳам бор.

Ҳикоя жуда қизиқарли, юмористик ҳамда қаҳрамон тилидан биринчи шахсда интранарратив усулда ёзилган. Қодиржоннинг барча ҳаракати кулгуга сабаб бўлаверади. Воқеалар баёнида Қодиржоннинг турли ҳолатлардаги руҳияти ёритилади. Қодиржон соддадил, тўғри бола. Шу билан бирга, серҳаракатлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Бу ҳолни биз унинг хатти-ҳаракатлари, қилиқ-одатлари, сўзлари, қўни-қўшилари, қариндошлари ва ўртоқлари билан муносабатларида кўрамыз. Унинг характери ҳикоянинг биринчи хат бошидаёқ аён бўлади:

*«Кейинги пайтда дадамни соғинсам қурилишга ўзим бориб келадиган бўлдим. Яёв деб ўйламанг тагин – бир гал ўртоғимнинг велосипедига мингашиб, бир гал йўловчи машинада. Аввалгисини ойимга билдирган бўлсам ҳам, кейингисини билдирганим йўқ».*⁴²

Ушбу матн француз тилига қуйидагича таржима қилинган:

*« Le chantier où travaille mon père est loin de chez nous. Mais peu importe. Je suis déjà allé lui rendre visite deux fois là-bas. Ne pensez pas que j'y suis allé à pied. Une fois un gars que je connais m'a pris sur le porte-bagage de sa bicyclette et la seconde fois j'ai fait de l'auto-stop (maman n'en sait encore rien).»*⁴³

Таржимада Қодиржоннинг дадаси ишлаётган қурилиш майдони қишлоқдан узоқлиги билдирилади. Биринчи жумладан сўнг французча таржимага аслиятда йўқ қисқа жумла қўшилган: «**Mais peu importe**» –

⁴⁰Федоров А. Основы общей теории перевода. – Москва, 1983. – С.17.

⁴¹Nazir Kh. Une lettre vivante. /Lettres soviétiques. № 279, 1982. – P.135-143.

⁴²Назир Ҳ. – Б.214. Бундан кейинги мисоллар шу асардан олиниб, қавс ичида саҳифаси келтирилади. – Г.Р.

⁴³Nazir Kh. Une lettre vivante. /Lettres soviétiques. № 279, 1982. – P.135. Бундан кейинги французча мисоллар шу ердан олиниб, қавс ичида саҳифаси келтирилади. – Г.Р.

«**бунинг аҳамияти йўқ**», демак бунинг, яъни курилишнинг қишлоқдан узоклигининг Қодиржонга фарқи йўқ – Қодиржон дадасини соғиндими, у киши қаерда бўлса ҳам кўргани бораверади. Бу эндигина тўртинчи синфга ўтган (тахминан ўн-ўн бир ёш) бола иродасининг кучлилигидан, руҳи тетиклигидан дарак беради. Бу томондан илк жумла жуда муваффақиятли таржима қилинган. Французча таржимага учинчи жумла ҳам қўшилган: «*Je suis déjà allé lui rendre visite deux fois là-bas*» – «Мен шу пайтгача унинг олдига икки марта бориб келдим». Аслиятда Қодиржон отасининг олдига икки марта борганлиги аниқ кўрсатилмаган. «**бир гал ўртоғимнинг велосипедида**», «**бир гал йўловчи машинада**» дейилган, холос. Французча таржимада мутаржим Қодиржоннинг руҳиятини тасвирлашда муболағага катта ўрин беради. Уларнинг уйига бир куни бувиси кириб келади:

«Худди узоққа кетаётгандай, белида қат-қат белбоғ, қўлтигида тугун, қўлида бўлса узун ҳасса. Ҳассадан кўра чўпонларнинг гавронига ўхшаб кетади.

- Нега гаврон кўтариб олдингиз, бувижон?

- Шу гаврон билан ўзбошимча неварамни урмоқчиман, – деди бувим кулиб.

- Қанақа ўзбошимчалик? – дедим **ҳайрон бўлиб**» (215).

Ушбу ҳолат француз тилига қуйидагича ўтирилган:

«... *c'est comme parée pour un long voyage qu'elle est venue : avec deux foulards sur la tête, dans une main un balluchon et dans l'autre un long bâton, presque aussi long que celui du berger.*

Je lui dis :

- *Grand-mère, à quoi vous sert ce bâton ?*

- *C'est pour mon désobéissant de petit-fils !*

- *Est-ce que vous avez un petit-fils désobéissant ? fais-je **en reculant à tout hasard***».

Ўзбекча аслиятда Қодиржон бувисининг ўз неварасини урмоқчи бўлганига ҳайрон бўлади, холос. Французча таржимада эса у нафақат ҳайрон бўлади, балки бувиси чўпонлар гавронидек ҳассаси билан тушириб қолмасин деб, «*ҳар эҳтимолга қарши ортига тисарилади*». Боз устига бу ерда буви тасвирида нуқсонлар мавжуд. Агар ўзбек Қодиржони бувисининг «*белида қат-қат белбоғ, қўлтигида тугун, қўлида узун ҳасса бўлса*», француз Қодиржони бувисининг «*бошида икки рўмол (?), бир қўлида тугун, иккинчи қўлида узун ҳасса*». Бу ерда шу нарса аниқки, рус таржимони ўзбекча белбоғни рус тилига «**платок**» деб ўтирган, ўзбеклар «**платок**»ни белига тақишини кўрмаган француз тили мутаржими эса уларни бошга чиқариб юборган. Кампирнинг «**қўлтигидаги тугун**» ҳам қўлга ўтиб кетган.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти совриндори Худойберди Тўхтабоев 1965-1972 йиллар давомида «Сарик девни миниб» номли асарини яратди. Баъзи адабиётшунослар бу асарни роман деб аташса, баъзилари қиссалар туркуми деб ҳисоблашади. Дарҳақиқат, «Сарик девни миниб» бир-бирининг давоми бўлган уч қиссадан иборат. Булар «Сехрли қалпоқча», «Сарик девни миниб» ва «Менинг ҳам дўстларим бор» қиссаларидир. Уларга «Хотима» ҳам илова қилинган. Ҳар уч қиссанинг бош қаҳрамони бир – Ҳошимжон.

«Сехрли қалпоқча» қиссаси бугунги кунгача дунёнинг йигирма икки тилига таржима қилинган. «Сехрли қалпоқча»нинг французча номи «Le Chapeau magique d'Ouzbekistan» (Ўзбекистоннинг сеҳрли қалпоқчаси). Асарни француз тилига Ш.Холмуродов таржима қилган. Қисса Париждаги L'Harmattan нашриёти томонидан 2005 йил чоп этилган.

Асарнинг француз тилида нашр этилиши муҳим воқеа бўлди. Бироқ биз қиссанинг ҳар уч вариантыни солиштириб кўрганимизда таржимон асарни француз тилига ўгиришда фақат аслиятдан эмас, балки унинг рус тилидаги таржимасидан ҳам фойдаланганлигига ишонч ҳосил қилдик. Бунга бир неча мисоллар келтириш мумкин.

Асарнинг бошида Ҳошимжон дастлаб ўзини таништиради, сўнг оиласи – ота-онаси ва икки синглиси ҳақида китобхонга қисқача маълумот беради.

Аслиятда:

*«Танишиб қўяйлик: отим Ҳошим, эркалатиб чақирмоқчи бўлсангиз Ҳошимжон деб айтасиз. Фамилиям – Рўзиев. Рўзибой тракторчининг ўғлиман».*⁴⁴

Русча таржима:

*«Зовут меня Хашимом. Если хотите ко мне ласково и почтительно, можете называть Хашимджаном, я не против. Итак, Хашимджан Кузыев – сын знатного механизатора Кузыбая».*⁴⁵

Мазкур жумланинг французча таржимаси:

*«Je m'appelle Khachim, mais si vous voulez me faire plaisir, vous m'appellerez Khachimdjan. Mon nom est Rouzyev. Je suis par conséquent Khachimdjan Rouzyev, le fils du célèbre conducteur de tracteur Rouzibaï».*⁴⁶

Келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, асарнинг французча таржимаси ўзбекча аслиятдан кўра унинг рус тилидаги муқобилига яқин туради. Аслиятда «**танишиб қўяйлик**» ибораси мавжуд, рус тилида ҳам, француз тилида ҳам у йўқ. Французча таржима худди русча матндагидек тўғридан тўғри «*Je m'appelle Khachim*» - «*Менинг исмим Ҳошим*» билан бошланади ва «**итак**», яъни французча «**par conséquent**» билан тугалланади. Бу, албатта, Ш.Холмуродов асарнинг русча таржимасидан фойдаланганлигининг ифодасидир.

«Ёзувчи Ҳошимжон образини бутун кирралари билан очишга уринган. Болаларга хос ўйинқароқлик ҳам, соддалигу беғуборлик ҳам, ғурурлилик, тўғри сўзлик, шумлик, бироз мақтанчоқлик, эркатолик, ҳатто ўрнида ёлғонни ҳам дўндириб юборадиган, ўзини бошқалардан ажратиб кўрсатишга интилиш одатлари, болаларга тақлидчилик, довюрак, эпчил ва руҳий тетиклик, хафачилик ва руҳий тушкунликдан йироқлик Ҳошимжон характериға хос хусусиятдир».⁴⁷ (таъкид бизники – Г.Р.)

⁴⁴То'хтабоев Х. Sehrli qalpoqcha//Sariq devni minib. – Toshkent, «Yangi asr avlodi», 2010. – В.4. Бундан кейинги мазкур асарнинг аслиятдан олинган мисолларнинг саҳифаси қавс ичида келтирилади. – Г.Р.

⁴⁵Тухтабаев Х. Волшебная шапка. – Тошкент, Издательство литературы и искусства, 1982. – С.3. Бундан кейинги русча мисоллар мазкур асардан олинди, саҳифаси қавс ичида келтирилади. – Г.Р.

⁴⁶Tukhtabayev Kh. Le chapeau magique d'Ouzbékistan. – Paris : Jeunesse L'Harmattan, 2005. – P. 9. Бундан кейинги французча мисоллар мазкур асардан олинди, саҳифаси қавс ичида келтирилади. – Г.Р.

⁴⁷Жумабоев М. Ўзбек ва чет эл болалар адабиёти. – Тошкент, «Ўзбекистон», 2002. – Б.147.

Ҳошимжон олтинчи синфда ўқийди, катта синглиси Ойшахон тўртинчида, кичик синглиси Донохон биринчи синфга боради. Ҳошимжон мактабдан келиб, кўчага чиқиб кетади, у бунга уста:

«Яшириб нима қиламан, кунбўйи кўча чангитиб юргандан кўра командага бўлиниб олиб тўп тенган ёки холироқ жойга, масалан, ойинг ҳарчанд чақирса ҳам овози етмайдиган жойга бориб олиб чиллак ўйнаган минг марта яхши».

(5)

Унинг бу хислати рус тилида қуйидагича берилган:

«Приду из школы, перекушу и айда на пустырь в футбол играть. Пусть сколько кличут – не найдут. Но если застанут врасплох и дадут работу, тут уж сумею выкрутиться. А я это умею».(4)

Русча таржимадаги сўнги икки жумла аслиятда йўқ. Шунга қарамай улар французча таржимада бир жумла кўринишида пайдо бўлган:

«Je préfère jouer au football ou à d'autres jeux avec mes copains, là où les appels de maman ne nous parviennent pas. Quand on veut me faire travailler, je trouve toujours le moyen de m'échapper» .

Бунга яна кўп мисоллар келтириш мумкин. Бироқ келтирилган мисолларнинг ўзидан кўриниб турибдики, Ш.Холмуродов асарни француз тилига таржима қилишда аслият билан бирга унинг Э.Умеров амалга оширган русча таржимасидан «унумли» фойдаланган. Ш.Холмуродов бошқа миллат вакили эмас, балки айнан ўзбек халқи вакилидир. Агар у асарни француз тилига айнан унинг аслиятдан таржима қилганида, миллатимизга хос бўлган менталитетни, миллий характери-ю расм-русумларини, фарзандларимиз миллий руҳиятини англашда ажнабий таржимонлар кетказадиган вақт ва қийинчиликлар шарт эмас эди. Шунга қарамай, у ўз иши учун гап тузилиши, грамматик қонуниятлари кўп жиҳатдан француз тилидан фарқ қилмайдиган рус тилидаги тайёр таржимадан фойдаланган. Бу эса унга асарни сўзма-сўз таржима қилишга ҳам имкон яратган.

ХУЛОСА

1. Болалар адабиёти илмий таснифда болалар адабиёти соф болалар адабиётига, болалар ўқийдиган адабиётга, болаларга мослаштирилган адабиётга ва болалар ижодига бўлинади.

2. Болалар адабиёти бадиий ижод ва таълим-тарбия фаолияти мажмуаси бўлиб, санъатнинг болаларга эстетик завқ берувчи ва улар шахсининг шаклланишига хизмат қилувчи тури ҳисобланади. Болалар адабиётининг функционал турлари таълим-тарбиявий, танишув ва кўнгилочар асарлардан иборат.

3. Болалар адабиёти умумий адабиётнинг бир қисми бўлиб, унга тегишли барча хислатларга ва китобхон болаларга мўлжалланганлиги учун болалар психологиясига – эндемиясига мос бадиий хусусиятларга эга бўлиши зарур. Болалар тафаккурининг ўзига хослиги бадиий матнга рассом расмлари кўшилишини тақозо этади.

4. Болалар ва ўсмирлар тарбиясида таълим муассасалари адабиёт соатларини ошириб, ўрганиладиган, ўқиладиган асарлар рўйхатини кенгайтириш лозим. Жаҳон тажрибалари ва стандартларидан ўрнак олиб болалар ва ўсмирлар тарбияси, миллий менталитети ва онги шаклланишига ижобий таъсир қиладиган даражада адабиёт дурдоналарини адаптация йўли билан таржима қилиш, зарур ҳолларда катталар учун мўлжалланган асарларни болалар ва ўсмирлар ёш хусусиятидан келиб чиқиб қайта нашрдан чиқариш лозим.

5. Таржима қилинаётган матнни ўзбек ўқувчисига тушунарли қилиш ниятида уни соддалаштириш, қисқартириш ва миллийлаштиришлар ёхуд ҳукмрон давр мафкурасига мослаштириб таржима қилиш – таржима-адаптация усулидан фойдаланиш жаҳон тажрибаларида синалган ва самарали натижасини берган.

6. XX аср давомида таржимонларимиз француз адибларининг ўзлари таржима қилган болалар ва ўсмирлар учун мўлжалланган асарларининг аслиятига, сюжети ва композициясига фаол ёндошдилар, маҳорат сирларини ўргандилар. Бироқ ўзбек адиб-таржимонларининг шу даврда яратган оригинал асарлари ҳам ўзларидаги ғоявий мотивларнинг замонавийлиги, образларнинг чуқур миллийлиги билан юксак оригиналлик, катта ғоявий-эстетик мазмун касб этади. Бу ҳол адибларимиз ижодида француз болалар ва ўсмирлар адабиёти оддий тақлид манбаи эмас, балки улардаги табиий истеъдодни уйғотган, ўзларида мавжуд бўлган имкониятларнинг юзага чиқиши учун туртки бўлган воситалардан бири эканлигини кўрсатади.

7. Ҳар бир таржимон аслиятни ўзича талқин этади, ўзича изоҳлайди. Изоҳли таржима ўзида маълум маънавий-маърифий қадриятларни мужассамлайди. Бадиий таржимада болалар ва ўсмирлар руҳиятини қайта акс эттириш ҳақида сўз юритганимизда, «ўзга халқлар ва даврлар» ҳаёти ҳақидаги маълумотномани эмас, юксак маъно аниқлигига эга бўлган юқори бадиий савиядаги асарларни назарда тутамиз. Француз болалар адиблари асарларининг ўзбекча, ва аксинча, ўзбек болалар адиблари асарларининг французча таржималарида таржиманинг шу икки хусусиятини чин маънода мужассамлаштириш бирорта ҳам таржимоннинг қўлидан келмаган: айрим таржималар кўп янги маълумот берса-да, бадиийликда оқсайди, айрим таржималарда эса мутлақо изоҳлар йўқ.

8. Аслият яратилган тилда сўзлашувчи халқ тарихи, маданияти, урф-одатлари, шу халқ яшовчи ҳудуд географиясини ва улар билан боғлиқ реалияларни – эндемиясини яхши билмасликлари, ва бунинг натижаси ўлароқ, русча матнга кўр-кўрона эргашишлари, баъзан сўзма-сўзликка йўл қўйишлари каби камчиликларда намоён бўлди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ УЗБЕКСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ**

**УЗБЕКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ МИРОВЫХ
ЯЗЫКОВ**

РАХИМОВА ГУЛСАНАМ АШИРБЕКОВНА

**ВОССОЗДАНИЕ ДУХОВНОГО МИРА ДЕТЕЙ И ПОДРОСТКОВ В
ХУДОЖЕСТВЕННОМ ПЕРЕВОДЕ**
(по материалам французско-узбекского и узбекско-французского переводов)

**10.00.06 – Сравнительное литературоведение, сопоставительное языкознание и
переводоведение**

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2017.3. Ph.D/FR313.

Докторская диссертация выполнена в Узбекском государственном университете мировых языков.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский резюме) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (www.uzswlu.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Эрматов Баходир Саидович
доктор филологических наук

Официальные оппоненты: Носиров Абдурахим Абдимуталилович
доктор филологических наук (DSc)

Прискулов Мухаммадаваз Турсунович
кандидат филологических наук, доцент


Ведущая организация: Каршинский государственный университет


Защита диссертации состоится «2» марта 2021 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 по присуждению ученых степеней при Узбекском государственном университете мировых языков. (Адрес: 100138, город Ташкент, Учтеппинский район улица Кичик халка, дом. 21А. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92, e-mail: uzswlu_info@mail.ru)


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Узбекского государственного университета мировых языков (зарегистрированном № 3). (Адрес: 100138, город Ташкент, Учтеппинский район улица Кичик халка, дом. 21А. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92.)

Автореферат диссертации разослан «18» февраля 2021 года.
(Реестр протокола рассылки № 3 от «18» февраля 2021 года).




Г.Х. Бакиева
Научного совета по
ученым степеням, д.ф.н.


Х.Б. Самигова
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.ф.н., доцент


Ж.А. Якубов
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, д.ф.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Интерпретация, с сопоставительной точки зрения, произведений представителей литературы народов мира во время глобализации, в частности, французских и узбекских писателей, вопросы адекватного воссоздания духовного мира героев произведений при переводе детской литературы обоих народов с одного языка на другой даёт возможность положительного моделирования развития этих литератур. Народы мира постоянно взаимодействуют во многих сферах своей деятельности; наша культура и литература, особенно детская и подростковая, также взаимосвязаны и схожи. Особенно это наглядно просматривается, если мы проследим за переводами детской литературы с одного языка на другой в период расцвета национально-исторического своеобразия той или иной страны, в частности, не растерявшей своей привлекательности французской и узбекской литературы во второй половине XX века и начале XXI века.

Современный уровень переводоведения в мире постоянно поддерживает идею создания переводов, адекватных оригиналу. Опираясь на передовой опыт переводческой практики в мире, нужно констатировать, что принятие единого подхода к решению этой проблемы – это веление времени. В сфере француско-узбекских переводов во Франции также ведутся исследования. Актуальность нашей работы заключается в том, что в ней, наряду с изучением развития этих литератур, системно исследуется одно из средств их развития – перевод, его историческая поэтика и художественные направления.

В настоящее время, когда в нашей стране проводятся широкомасштабные реформы во многих сферах, осуществляются серьёзные преобразования также в развитии и процветании художественной литературы. Это находит своё отражение в расширении связей нашей литературы с литературой других народов мира, в переводах сокровищниц нашей литературы на разные языки мира и образцов литературы других народов на узбекский язык. Именно об этом говорил наш президент на встрече с творческой интеллигенцией республики: «Мы и впредь настойчиво и последовательно продолжим нашу работу в этом очень важном направлении, потому что внимание к литературе, искусству и культуре – это внимание, прежде всего, к нашему народу, к нашему будущему. У нас абсолютно нет права забывать слова нашего известного поэта Чулпана о том, что если живы литература и искусство, то может жить нация».¹

Данное исследование, в определенной мере, способствует реализации задач, определенных в Законе Республики Узбекистан № ЗРУ-406 от 14 сентября 2016 года «О государственной молодежной политике», Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-2789 от 27 февраля 2017 года «О мерах по совершенствованию деятельности, организации научно-

¹Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи, –Тошкент, 2017 йил 4 август.

исследовательской работы, управления и финансирования Академии наук», а также в других нормативно-правовых актах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан I. «Духовно-просветительское и культурное развитие демократичного и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Вопросы душевного состояния, мировоззрения, жизни детей и подростков волнуют языковедов, литературоведов и переводоведов мира и становятся главной темой их исследований.

Проблемы детской и подростковой психологии, ее отражения в художественной литературе, в произведениях Ж.-М. Г. ЛеКлезю на эту тему и их переводах на разные языки, раскрываются в работах А.Виет, М.-А.Мейнара Ш. Посланиека, Я.-А. Кервоаса, К. Абади-Клерка, М.Бенжеллума, К.Родригеса, К.Скилбрета, П.Л.Арриса, Д.Эскарпи и др.²

В исследованиях таких ученых как Л.Скуратовская, Е. Дианова, М. Иванкина, Ю. Карасаева, В. Чарской-Бойко и Ф. Шагманова отмечается, что для полноценного формирования детей как личности важными факторами являются не только внешние воздействия, но их чувства, способности, потребности, навыки.³

Разработка теоретических и практических вопросов выражения детской и подростковой психологии в художественной литературе и некоторые стороны перевода детской литературы нашли свое отражение в ряде научных работ отечественных исследователей таких, как Г.Салям, М.Холбеков,

²Viell A. L'Espace dans l'oeuvre de J.-M.G. Le Clézio. La dialectique du réel et de l'imaginaire. Thèse de doctorat, Université Paris 4, 1985; Maynard M.-A. Le Rapport de l'homme au monde dans l'oeuvre de Le Clézio. Thèse de doctorat, Université de Lyon 2, 1988; Poslaniec Ch. L'évolution de la littérature de jeunesse, de 1850 à nos jours au travers de l'instance narrative, thèse de doctorat, Université Paris-Nord, Lille : ANRT, 1997; Abadie-Clerc Ch. Mythes, traduction et création: la littérature de jeunesse en Europe. - Paris: Bibliothèque publique d'information / Centre Georges Pompidou, 1998; Benjelloum M. La Métaphore dans l'oeuvre romanesque de J.-M.G. Le Clézio. Étude stylistique. Thèse de doctorat d'État, Université El Jadida, Faculté des Lettres et Sciences Humaines, 1999; Rodríguez C. Análisis narrativo de la obra de J.M.G. Le Clézio: Onitsha y Etoile errante. Tesis doctoral, Departamento de Filología francesa, Universidad de Granada, 1999; Rodríguez C. Análisis narrativo de la obra de J.M.G. Le Clézio : Onitsha y Etoile errante. Tesis doctoral, Departamento de Filología francesa, Universidad de Granada, 1999; Skilbred C. Le transfer de la culture dans la traduction de Poisson d'or de Le Clézio. Thèse de doctorat. – Hosten, 2005 ; Harris P.L. L'imagination chez l'enfant : son rôle crucial dans le développement cognitif et affectif. Thèse de doctorat, Paris : Retz, 2007; Kervoas Y.-E. Le roman pour adolescents en langue bretonne : thématique, traduction et stylistique. Thèse de doctorat. Discipline : Breton-Celtique, Université de Rennes 2-UEB, 2008; Escarpit D. Histoire du conte Le chat botté en France et en Angleterre. thèse de doctorat, Université Paris-Nord, Lille, 2013.

